O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 май чоршанба

Сотувда эркин нархда № 95 (2657)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 май куни Оқсаройда Японияннинг «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мазкур ташкилот делегацияси сўнгги тўрт йил ичида учинчи бор Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Бу Япония ишбилармон доираларида мамлакатимиз билан алоқаларни ривожлантириш истаги кучли эканлигидан далолатдир. Президент Ислом Каримов бундай нуфузли уюшманинг Ўзбекистонга эътибори катталигидан мамнуният билдирар экан, айни вақтда мамлакатимиз нафақат мазкур ташкилот, балки умуман Япония билан ҳар томонлама ривожланиб бораётган ҳамкорликни қадрлашини ва қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

«Кейдзай Доюкай» қарийб 900 компаниянинг 1400 нафар раҳбарини ўзида бирлаштирган улкан жамоат ташкилотидир. У ишбилармонларга бизнес ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, хорижда самарали фаолият юритиш бўйича фойдали маслаҳат ва тавсиялар беради. Уюшма делегациялари Япония учун муҳим саналган мамлакатларга бориб, иқтисодий аҳвол билан бевосита танишади ва юртига қайтгач, турли тавсиялар тайёрлайди. Шу жиҳатдан унинг нуфузи Японияндан ташқарида ҳам жуда баланд.

К.Минагучи ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор беришини, «Кейдзай Доюкай» учун, айниқса, ўз минтақасида марказий ўрин тутувчи Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Япония иқтисодий муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайтидан лавҳалар.
Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

Шу кунларда мамлакатимизда Японияннинг «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

1946 йилда асос солинган «Кейдзай Доюкай» Японядаги энг йирик иқтисодий ташкилотлардан бири ҳисобланади. У тўққиз юзга яқин фирма ва компаниянинг 1400 дан зиёд раҳбар ходимини бирлаштирган. Уюшма Япония иқтисодини ривожлантириш, бу борада юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда компаниялараро ҳамкорликни кенгайтириш борасида муҳим тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

«Кейдзай Доюкай» талай йиллардан буён хорижий давлатларнинг турдош муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Бугунгача уюшма делегацияси Ўзбекистонга икки марта келган эди. Навбатдаги ташрифдан кўзланган мақсад Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ривожини янги босқичга кўтариш ва бунда «Кейдзай Доюкай»нинг ҳиссасини кўпайтиришдир.

Меҳмонлар шу мақсадда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида музокара ўтказди, Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари билан танишди.

Японялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонда иш юритишга иштиёқи жуда баланд. Ташриф давомида меҳмонлар мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларига ташриф буюрди. Жумладан, Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия ҳамда Маданият ишлари вазирликлари, Марказий банк ва бошқа ташкилотларда бўлиб, самарали музокаралар ўтказди. Учрашувларда ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Япония делегацияси – Хоразмда

Японияннинг «Кейдзай Доюкай» (Japan Association of Corporative Executives - JACE) корпоратив раҳбарлар уюшмаси вакилларининг делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Делегация вакилларини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамов қабул қилди. Учрашув чоғида Хоразм вилоятида Ўзбекистон — Япония иқтисодий ҳамкорлигининг самарали ривожланишига мисоллар кўп эканлиги таъкидланди. Масалан, бир йил илгари Урганчда Япония ҳукумати ёрдами билан замонавий халқаро аэропорт барпо этилди.

— Уюшмамиз делегацияси Ўзбекистонга учинчи бор ташриф буюриши, — дейди «Кейдзай Доюкай» президенти жаноб Коичи Минагучи. — Бироқ, Хоразмга илк бор келишимиз. Хоразмда биз қадимий воҳангизда катта истиқболли ривожланиш борлигига амин бўлдик.

Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Май ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни» этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ш.Ш.Ҳамрақуловни Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

ШАВКАТ ШОДИЕВИЧ ҲАМРАҚУЛОВ Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 14 май.

Замонамиз қаҳрамонлари

Бахт қуши ёки ушалган орзулар

Камчибек КЕНЖА

Ҳар бир инсон умрини бир китобга қиёс қилгулик. Аёнки, китобдаги ҳамма воқеалар қизиқ, зўр, ҳамма саҳифаларнинг ҳаяжонли ҳолатлар ҳикоясидан иборат бўлиши қийин. Айрим боблар жуда ўқишли, таъсирли ёзилади, ёдда қолади. Мен Содиқжон Абдурасулов умр дафтарининг ана шундай зарварақларидан бир нечасини кўздан кечирдим ва Сизга ҳам илиндим, азиз ўқувчим...

Содиқжон ака тўғри сўз, дилидагини яширмайдиган одам. Кечқурунлари телевизорда пахтачилик ё дончилик бўйича хўжалик раҳбарлари, бригадирлар тўғрисида кўрсатув бўлиб қолса, еримиз ҳам, центнеримиз ҳам уларникидан бир яримикки баравар ошиқ-ку, биз ҳам телевизорга чиқармикинмиз, деган ҳавас кўнглидан ўтар ва бу истагини, мулоҳазасини очиқ айтиб юборар эди. Шунда Ғазина опа:

— Яхши ният қилаверинг-чи, дадаси, сизгаям назарлари тушиб қолса, ажабмас, — дерди ўзича эрига таскин бергандай.

Содиқжон аканинг яхши ниятию Ғазина опанинг дуоларига фаришталар омин деган экан, назарга тушди — анча-мунча одамникига эмас, Юртбошининг назарига!..

Содиқжон ака хўжалик ва туман катталарининг хатти-ҳаракатларидан, ундан ўзи ҳақида маълумотлар ва расмлар сўрашларидан ниманидир пайқаб, уни қандайдир мукофот ё рағбатга тавсия қилишаётганини сезиб, ўзича тахмин қилиб юрувди, лекин бунақа улгуржи мукофотни ўйламаган, етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.

Ўша куни — 1996 йил, 26 август — осмон ҳар кунгидан ҳам тиниқроқ, қуёш ҳар кунгидан чароғонроқ, Содиқжон аканинг кайфияти негадир ҳар кунгидан чоғроқ эди. Даладан хўжалик идорасига чақиришди. Содиқжон ака туман ҳокими Муҳаммаджон Раззоқовнинг безовтароқ ва ҳаяжонланиб турганини пайқади. Ҳоким у билан тез-тез, қуюқ сўрашди-да, машинасига, ўзининг ёнига ўтказиб олиб кетди.

— Дадил-дадил гапирасиз, ҳозир вилоят ҳокимимиз билан сўзлашасиз, — дея пишиқтирди у.

«Эрталаб суюнадиган қовоғим бекорга учмаган шекилли, вилоятимиз каттаси ҳаркалай ёмон гап айтмас», деб ўйлади Содиқжон ака.

Ҳайдовчи машинани четроқ, шовқин-суронлардан узоқроқ, одамлардан ҳолироқ жойда тўхтатди.

Рацияда вилоят ҳокими Қобилжон Обидовнинг овози янгради:

— Содиқжон ака, ҳозир Президентимиз Ислом Абдуғаниевич билан гаплашдик. Сиз Ўзбекистон Қаҳрамони бўпсиз. Табриклайман...

(Давоми 2-бетда).

Энг улуғ ва азиз айёмга тайёргарлик қизғин

Республика Вазирлар Маҳкамасида Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов бошқарди.

Йиғилишда Президентимизнинг бу тарихий байрам йил давомида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тадбирлар силсиласидан иборат бўлиши лозимлиги, улар орқали эса халқимиз мустақиллик туфайли эришилган ютуқларни бор кўлами билан ҳис этиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис мажлисда икки муҳим масала атрофлича муҳокамадан ўтказилди. Булардан бири — Ўзбек миллий давлатчилиги тарихининг илмий-назарий асосларини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу масала юзасидан сўзга чиққанлар камида тўрт минг йиллик мозий қатларига бориб тақаладиган миллий давлатчилигимизнинг инсоният тамаддунига кўрсатган таъсирига алоҳида эътиборни қаратдилар.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида олиб борилган илмий-назарий ва археологик изланишлар она юртимиз давлатчиликнинг ибтидоий кўринишларидан тортиб, унинг энг мукаммал шаклларигача бўлган яхлит тарихий жараёнга асос бўлганини инкор этиб бўлмас далиллар билан ботламоқда. Эндиги вазифа — халқимиз, айниқса ёш авлод онгу шуурига мана шундай кўҳна маданий қадриятлар макони ҳисобланмиш Ватан тарихини мукаммал билиш, ундан фахрланиш ва бу она юртни кўз қорачиғидек асраш кўникмасини сингдиришдир.

Йиғилишда муҳокама этилган иккинчи масала энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини ўтказиш борасида амалга ошириладиган маданий-маърифий йўналишдаги тадбирлар дастури қандай бажарилаётгани бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу дастур ниҳоятда кенг ва ранг-баранг маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ўзида қамраган. Ҳозирга қадар уларнинг анчагина қисми юқори савияда ўтказилди ҳам. Маданият, санъат ва бошқа соҳаларнинг турли йўналишларида ташкил этилган республика ва халқаро даражадаги кўплаб илмий анжуманлар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари бунга яққол далилдир.

Зеро, Истиқлол учун курашган оталаримиз, уни асраб-авайлашга бутун кучғайратини сафарбар этаётган замондошларимиз, мустақил мамлакатимиз шаънини барча соҳаларда муносиб ҳимоя қилаётган ва оламга таратаётган ёшларимиз тўғрисида китоблар, альбомлар, фильмлар ва тасвирий санъат намуналари яратилди ва яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш устида қизғин ижодий иш давом этяпти.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган вакиллар ўз ҳудудларида байрамга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ва айни кунларда муайян вилоят тарихи, бугуни ва келажаги билан бевосита боғлаб ўтказилаётган муҳим тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилишда ушбу дастурнинг тўла ва кенг қамровда амалга оширилиши учун зарур бўлган барча ишлар муҳокама этилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этиш учун тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Хорижликлар эътирофи

— Афина шаҳрида ўтказилган туризм соҳаси бўйича халқаро кўргазма иштирокчилари самарқандлик ҳунармандлар меҳнатига қойил қолишди, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.

Самарқанд шаҳар тадбиркорлар уюшмаси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниясининг Грециядаги вакиллиги томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада самарқандлик ҳунармандларнинг кашталачилик, кулолчилик, зардўзлик санъати намуналари намойиш этилди. Ушбу асарлар хорижликларни лол қолдиргани, шубҳасиз.

Вилоятда биринчи

Боёвут туманидаги Усмон Юсупов номли ширкат хўжалиги пиллакорлари Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб зафар қучдилар.

Давлатга 5000 килограмм ўрнига 5850 килограмм хомашё сотилди.

Пиллакорлар ялпи хирмонни 6100 килограммга етказишга аҳд қилишган.

Навоий нон комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўта харидоргирлиги билан ажралиб туради. Сабаби, корхонада нон ва қандолатчилик маҳсулотларининг сифатига алоҳида эътибор берилади.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

«Келажак авлод»

Сирғали туманида пойтахтимиздаги академик лицейлар, коллеж ва ўрта махсус ўқув юртлари учун нонушта тайёрлайдиган «Келажак авлод» корхонаси ташкил этилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган ушбу корхонага Германиянинг «Ханзе Машинен» компаниясининг технологик ускуналари ўрнатилди. Тумандаги «Меҳрли савдо» давлат корхонаси базасида ташкил этилган ушбу корхона бир кеча кундузда йигирма беш турдаги 18 минг дона турли пишириқлар, ширинликлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Ушбу корхонанинг барпо этилиши юртимиз келажаги — фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор натижасидир, — деди республика Бош вазири ўринбосари, республика Хотинқизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова «Келажак авлод» корхонасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида.

Корхона сентябр ойидан бошлаб тўла қувват билан ишлай бошлайди.

Диққат: Танлов давом этади

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси Ватанимиз истиқлолининг ўн йиллигини кенг нишонлаш мақсадида вилоятларнинг энг яхши бадиий дастурлари, байрам томошаси ўтадиган Мустақиллик майдонини бадиий безаш (декорация) ва либослар каби йўналишлар бўйича 2001 йил 15 майдан 15 июлга қадар республика очиқ танлови давом этаётганлигини маълум қилади.

Танлов шартлари: тавсия этиладиган бадиий дастурлар муаллифлари кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида қатнашишлари мумкин.

Голибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

Ижодий гуруҳлар учун:

I мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм
II мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм
III мукофот — 100000 (юз минг) сўм

Якка тартибда иштирок этганлар учун:

I мукофот — 100000 (юз минг) сўм
II мукофот — 75000 (етмиш беш минг) сўм
III мукофот — 50000 (эллик минг) сўм

I мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мурожаат учун манзил:
Индекс 700129 Тошкент. Навоий кўчаси, 30.
Маданият ишлари вазирлиги,
1-қават, "Мустақиллик байрами танловига".
Телефонлар: 144-63-63, 144-63-73.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Янги дастур эълон қилинди

Кеча АҚШ президенти Жорж Буш «Хавфсиз ҳаёт лойиҳаси» деб ном олган янги дастур кучга киритилишини маълум қилди. Маълум бўлишича, мазкур дастур мамлакатда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, унинг ижроси учун 550 миллион АҚШ доллари ажратилган.

«Курск» қачон қуруқликка чиқади?

Россия Бош вазири ўринбосари Ильи Келебановнинг айтишича, «Курск» атом сувости кемасини қуруқликка олиб чиқиш амалиёти июн ойида бошланади. Ушбу амалиётни бажаришда бир неча хориж компанияларининг ҳам ёрдами лозим бўлади. Ва бу борада Россия ҳукумати баъзи салоҳиятли компаниялар билан шартнома имзолашга ҳаракат қилмоқда, дея хабар беради НТВ телеканали.

Ярузельский суд қилинмоқда

Кеча 1981-1989 йилларда Польша ҳукуматига раҳбарлик қилган Войцех Ярузельский устидан суд жараёнлари бошланди. 78 ёшли собиқ раҳбар 1970 йилдаги норозилик намойишларда иштирок этганларнинг 44 нафарини оммавий равишда отишга ҳукм қилганликда айбланмоқда. В. Ярузельский ўша пайтда мамлакат мудофаа вазири лавозимида фаолият кўрсатган. Агар собиқ раҳбарга қўйилаётган айблар тўлиқ далилланса, унда у 25 йилга озодликдан маҳрум бўлиши мумкин.

Бош котиб Москвада

Кеча БМТ Бош котиби Кофи Аннан Москвага расмий ташриф билан келди. Бу ҳақда Россия Президенти матбуот хизмати намояндалари хабар қилди. Хабарларда айтилишича, Бош котиб Кремлнинг юқори мартабали мулозими В. Путин билан ҳам учрашган. Бу К. Аннаннинг Бош котиб лавозимини эгаллагандан буён Россияга олтинчи бор ташрифи бўлди.

Сўнгги сонияларда...

Италияда ўтказилган парламент сайловларида Сильвио Берлускони бошчилигидаги ўнг кучлар каолицияси ғалаба қозонди. Шу тариқа медиа-магнат ва Европанинг энг бой одами дея ном олган С. Берлускони Италия Бош вазири бўлди.

* * *

Кеча Япония Бош вазири Д. Коидзуми Курил ороллари Россиядан қайтариб олиш масаласида яна бир бор сўз очди.

Конституция сабоқлари

Қарс икки қўлдан

Мустақиллик ўзбек халқига ва ўзбекистонликларга озодлик нашидасини суриш, эркин меҳнат қилиш ва яшаш, ҳурфикрлилик, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол қатнашиш ва ҳақ-ҳуқуқини теран англаш имкониятини яратиб берди. Бу бурч ва ҳақ-ҳуқуқларнинг барчаси Асосий қонунимизда кафолатланган. Эндиликда гап ана шу Конституциядаги ҳар бир модда мағзини барча фуқаро чақиб, уни ўз ҳаётида ҳамиша, ҳар доим ўринли қўллашида қолган холос. Бунинг учун барчамиз ҳамкорликда фаолият юритишимиз лозим.

Конституциянинг X боб, 45-моддасида шундай дейилган: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир». Мамлакатимизда вояга етмаганларни соғлом тарбиялаш, уларга билим бериш давлат ҳисобидан эканлигини барча яхши билади. Меҳнатга лаёқатсизлар ҳам, шунингдек, ёлғиз кексалар ҳам давлатимизнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Улар учун қатор шифохоналар, соғломлаштириш марказлари, дам олиш уйлари бунёд этилди. Айнан мана шу тоифадаги кишиларни нафақа билан таъминлаш, улар ҳолидан хабар олиш бугунги кунда оддий бир ҳодисага айланиб қолди.

Конституцияда жамиятнинг оддий фуқаро олдидаги мажбуриятлари қанчалик тўла-тўкис қайд қилинган бўлса, ана шу фуқаронинг ўзи яшаётган жамият, оила ва фарзандлари олдидаги мажбуриятлари ҳам шунчалик батафсил баён этиб берилган. Чунончи «Оила» деб номланган XIV боб-нинг 64-моддасида: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» деган жумла бор. Бундай моддани кундалик ҳаётнинг ўзи олға сурган. Негаки соғлом оилада соғлом бола дунёга келади. У вояга етгач, шу жамиятнинг ривожи учун астойдил хизмат қилади.

Лекин баъзи ота-оналарнинг ўз фарзандлари тақдирига бефарқ қараш ҳолларига ҳамон дуч келаяпмиз. Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва текинхўрлик билан машғул ота-оналар кўпинча фарзандлари олдидаги, демакки жамият олдидаги бурчларини унутиб қўйишади. Бундай ҳолларда биз ўша ота-оналар билан узоқ вақт тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб борамиз. Маҳалла қўмиталари, бообрў кишилар, туман ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг аъзолари ўртасидаги бундай ҳамкорлик одатда ўз самарасини беради. Туман прокуратураси ҳаётда адашган кишиларни муқим даромад манбаи билан таъминлаш, дастлабки пайтларда моддий ва маънавий кўмак бериш имконини қидириб топмоқда. Мана шу тадбирлар ҳам самара бермагач, сўнгги чорани қўллашга, яъни фарзандлар тарбияси билан, уларнинг тақдири билан қизиқмайдиган кимсаларни ота-оналик ҳуқуқидан марҳум қилиш тўғрисида судга мурожаат этамиз. Негаки, биз ҳар бир ёш авлоддан умидвормиз. Мамлакатимизда ҳар бир боланинг тақдири, унинг келажаги энг муҳим масалалар қаторида туради.

Айнан мана шу бобнинг 66-моддасида: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» дейилади. Халқимизда «Ота рози — Худо рози» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам, ота-онанинг дуосини олган, уларга чин юракдан ғамхўрлик қилган фарзанд жамиятда катта обрў-эътибор топади.

Шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳаётда адашган, бурчини унутган баъзи кимсалар ҳам учраб туради. Туман прокуратурасига ёлғиз яшайдиган кекса бир онахон тўғрисида қўни-қўшниларидан шикоят аризаси тушди. Маълум бўлишича, унинг ўғли топармон-тутармон ва яхшигина яшаш шароитига эга шахс экан. Афсуски, мана шу ёлғиз ўғил кейинги йилларда она ҳолидан деярли хабар олмай қўйибди. Уни ҳузуримизга чақириб, амалдаги қонун-қоидаларни тушунтирдик. У бундай воқеага турмуш ўртоғи сабабчи эканлигини рўкач қилиб кўрсатди. Самимий мулоқот, юракдан чиққан суҳбат кўп ўтмай ўз самарасини берди. Йигит онасини уйига кўчириб олиб кетди.

Демократик фуқаролик жамияти қураётган ҳар бир шахс ҳаётда ўзи кўзлаган мақсадга эришиши учун, аввало, шу жамият қонун-қоидаларини пухта ўрганмоғи шарт. Конституция оддий деҳқонга ҳам, тадбиркорга ҳам, зиёлига ҳам бирдай асқотади. Шундай экан, унинг ҳар бир моддаси корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида чуқур ўрганилиши, китоб саҳифасидан юракларга кўчиб ўтмоғи лозим. Фақат ана шундагина кишилар қонундан чўчиб эмас, балки у билан ошно бўлиб фаолият юритадилар.

Баҳодир КАРИМОВ,
Оқолтин тумани прокурори.

Бахт қуши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Содиқжон акага ҳокимнинг овози бирдан узоқлашиб кетгандай туюлди. Юзларига илиқ томчилар сизиб тушганини сезди, сезмади, балки юраги билан ҳис этди. Ўзини тетик тутиш кераклигини, қаерда ўтирганини ҳам унутди. Назарида вужуди енгил тортиб, ҳаволарда учаётгандай бўлди. Бир оздан кейин ўзига келиб, унинг меҳнатларини шунчалик қадрлашгани учун Юртбошига, вилоят ҳокимига миннатдорчилик билдирди. Бир пайт қараса, Муҳаммаджоннинг киприклари ҳам намдан ялтираб турарди. Улар бир-бирларини бағрига босдилар, бир-бирларини қутладилар.

— Фақат Фармон радио ё телевизорда эълон қилингунча бировга айтмай турамиз, — деди туман ҳокими.

Содиқжон ака ҳар қанча оғир-вазмин бўлса-да, дилдан тошиб кетаётган ҳаяжонини аранг босиб ўтирган эди, кечки пайт бир тўп қўшни эшикдан «Ассалому алайкум, Содиқжон, Қаҳрамонлик муборак!..» деб кириб келишди. Ҳовли бирпасда одамга тўлди. Ҳатто қаёқдандир тўй истаб юрадиган сайёр карнайчилар пайдо бўлиб, карнайларини бор овоз билан чалиб юборишди. Ҳақиқий тўй бўлиб кетди.

Содиқжон ака хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

Хонадондаги шодиёнанинг чеки йўқ эди...

* * *

Ўн еттинчи сентябр. Андижонда пахта йиғим-терими кундан-кунга авж олаётган палла. Вилоятга Президент келди. Юртбошимиз куннинг биринчи ярмида Избоскан ва Олтинкўл туманларига бориб, тушдан кейин Шаҳрихонга ўтадиган бўлган эди.

Содиқжон акани яна туман ҳокими Муҳаммаджон Раззоқов топтирди ва «тезда соқолни олдириб, кийиниб келасиз, гап бор», деди.

Академик Саримсоқов номли жамоа хўжалигига қарашли Аҳмаджон Раҳимов бошлиқ пахтачилик бригадасининг катта йўл ёқасидаги даласига боришди. Президент билан пайкал уватида, ғўзалар ичида рўбарў бўлдилар. Юртбоши аввал хўжалик раиси Ўрмонжон Бозорбоев билан учтўрт оғиз сўзлашди. Кейин Содиқжон акага юзланди:

— Оқсоқол, сиз пахтачиликни ҳам яхши биласиз, томларгача ғўза экилган даврларни кўргансиз, лекин ҳозир сиз билан дон тўғрисида гаплашамиз.

— Аввало, хуш келибсиз, Ислом ака. Сиз билан юртимизга Ҳизр келди, тинчлик-осойишталик келди, қут-барака келди, деб биламиз, — деди Содиқжон ака.

— Ўзимиз энг яхши дон уруғларини ишлаб чиқишимиз ва барча хўжаликларга етказишимиз керак, нима дедингиз?

— Тўғри, Ислом ака. Яна бир гап: дон уруғлари тайёрлов идораларида, марказлашган ҳолда дориланиб, кейин хўжаликларга тарқатилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мослашмаган, нобоп жойларда, прицеп-араваларда дорилганганда дорининг ярми сув билан оқиб тушиб кетяпти. Уруғ яхши дориланса, ҳашаротлар тухуми қирилади ва ҳар хил касалликларнинг олди олинади.

Президент Муҳаммаджон Раззоқовга ўгирилди.

— Дон яхши, лекин кунлик пахта топширишингиздан қониқмаяпман.

— Яхшироқ очилсин деб турувдик, мўлжалимизга етдик. Эртадан, албатта ўзгариш бўлади, — деди ҳоким ишонч билан.

— Кўрамиз, — деди Президент одатича жилмайиб.

— Шаҳрихонликлар ўз сўзининг устидан чиқадиган одамлар, Ислом Абдуғаниевич.

Содиқжон ака ҳам бош иргаб ҳоким сўзларини тасдиқлаб турди.

Президент чўнтагидан учта тилла соат чиқариб Содиқжон Абдурасулов, Ўрмонжон Бозорбоев, Аҳмаджон Раҳимовларга совға қилди ва «Содиқжон аканинг тажриба мактабини яратиш керак», — деди ёнидагиларга қараб.

— Маъқул гап, — деди Президент ва дуога қўл очиб, Шаҳрихон дончиларига, барча деҳқонларга омад, юртимизга осойишталик, дастурхонга тўкин-сочинлик тилади. Сўнг Содиқжон ака билан бағирлашар экан, «Қаҳрамонлик билан табриклайман, раҳмат сизга», деди.

— Бу юксак унвонни Шаҳрихон меҳнаткашларига, бутун вилоят деҳқонларига, барча дончиларга берилган мукофот деб биламан, Ислом Абдуғаниевич, — деди Содиқжон ака ҳаяжонини босишга уринib. — Бунга ўз меҳнатларим билан жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан.

* * *

Ўша йили кеч кузда Тошкентда дон мустақиллигига бағишлаб ўтказиладиган умуммамлакат анжуманига Содиқжон ака ҳам таклиф этилди. У тажрибаларини, бугдойдан юқори ҳосил олиш сир-асрорларини айтиб бериш учун сўзга ҳам чиқиши керак эди.

Хуллас, Қаҳрамоннинг кўнглига ғулғула тушди, ороми бузилди. Айтадиган гапларини бир тизимга, тартибга солиб олиш учун хўжалик агрономи Жалолиддин-дан кўмак сўради. Фикр-мулоҳазаларни биргалашиб қоғозга туширдилар.

— Лекин у ерда мумкин қадар қоғозга қарамасдан гапириш керак, — дейишди.

Буни Содиқжон ака ҳам ўйловди. Машқ қилишга тушди. Ётганда ҳам, турганда ҳам, уйда ҳам, далада ҳам ёзилганларни хаёлан такрорлаб, пишитиб юрди.

Анжуман Содиқжон ака ўйлагандан ҳам зиёда: одам кўп, ҳаммаси пўрим кийинган, чиройли галстук таққан казо-казолар эди. Дўппили деҳқон камга ўхшади.

Унга бешинчи бўлиб сўз берилди. Билган дуоларини ёд этиб, маҳобатли минбар сари юрди.

— Биринчидан, — деди у кириш сўзидан кейин, — отабувамиз айтгандай, ерни вақтида яхшилаб ҳайдаш зарур. Иккинчидан, навнинг яхшисини танлаш ҳам муҳим омил. Учинчидан, пуштани сув босмай, ҳамма жойнинг бир хилда ийиб ичишини таъминлаш — уруғнинг бир текис унишига кафолат бўлади. Бунинг учун сув шохобчаларини иложи борича калтароқ — саксон-юз метрдан олиш керак. Тўртинчидан, ўғитлаш, бу масалаям алоҳида эътибор талаб қилади. Бизнинг тажрибамизда ўғитни тўрт марта бўлиб солишнинг фойдаси катта бўляпти. Бешинчидан, шарбат оқизишдаям гап бор. Қанча кўп шарбат оқизилса, донда оқсил кўп, пўстлоқ кам, ҳосилдорлик юқори бўлади. Олтинчидан... Еттинчидан...

Шу жойга келганда одамлар орасида висир-висир бўлиб қолди. Афтидан, Содиқжон аканинг «бугдойни ўтоқ қилиш лозим», деган сўзлари ўтирганларнинг айримларида ишончсизлик, нохуш тасаввур туғдирди, шекилли. Чунки илгарилари бугдойни ўтоқ қилиш деярли расм эмас эди-да, фақат қуртэнани юлиб олишарди.

— Ҳа, биз бугдойни икки марта ўтаймиз, — деди Қаҳрамон ҳам сўзларни ниқталаб, гўё ғала-ғовур сабабига изоҳ бергандай. — Ахир ёввойи ўтлар ернинг қувватини бўлади, бугдойга солинган ўғит — шарбатнинг ярим кучи ана шуларга кетади. Ёввойи нарса тез ривожланади, бегона ўт ҳам тез ўсиб, ғовлаб, бугдойга соя солади, қуёш нуридан тўсади — буни ҳамма биладн, фақат унча эътибор берилмайди холос...

Содиқжон акадан кейин сўзга чиққанларнинг баъзилари унинг фикрлари билан мунозара қилишди, бошқалар (тўғриси уларнинг кимлиги Содиқжон аканинг ёдида қолмаган, чунки у ўша пайтда нотўғри гапириб қўймадиммикин, деган ташвишда сўзловчиларнинг кимлигига эмас, уларнинг мулоҳазаларига кўпроқ аҳамият берган эди) ёқлашди, бу одамга Қаҳрамонлик бежиз берилмаган экан, унинг тажрибаларини мамлакат бўйича ёйиш, хусусан, бугдой ўташни ҳамма дончилик хўжаликларида жорий қилиш керак, дейишди. Бу таклиф шарафига, демакки, Содиқжон ака шаънига қарсаклар ёғилди.

Кейинчалик матбуотда бугдойзорларда бегона ўтларга қарши кураш чоралари мавзуида илмий мақолалар кўпайди. Уларда, жумладан, бугдойзорларда ўсадиган бегона ўтлар маданий ўсимликларга нисбатан тупроқдаги азотни икки баравар, фосфорни бир ярим баравар, калийни уч ярим баравар, кальцийни икки ярим ва магнийни уч баравар кўп ўзлаштириши, шунингдек, улар сувни бугдойга қараганда 330-900 мартагача кўп ўзлаштириб, бугдойнинг тез чанқаб қолишига сабаб бўлиши, айрим ёввойи ўтлардаги илдиз қурти тухум қўйиб, кўпайиб, бугдойни кемириши ва турли касалликлар тарқатиши, қўйпечак деган биргина кушанданинг бугдой ўримида комбайнга жиддий халақит қилиши ва доннинг кўплаб тўкилиб кетишига сабаб бўлиши таъкидланарди. Демак, Содиқжон аканинг куюниши бежиз эмас, бу ишга бошқалардан олдинроқ ва жиддийроқ аҳамият бера бошлаганлиги ҳам улоқни олиб кетиш омилларидан бири бўлган бўлса, ажаб эмас.

Фахрийларга Президент совғалари

Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамиятида 25 йилдан зиёд ишлаб, корхона ривожига муносиб ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийларига Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Президент совғалари топиширилди.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Каттақўрғон ҳақиқати» газетаси муҳаррири.

Мустақиллик иншоотлари

Термизда – амфитеатр

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. «Алпомиш» мажмуида бунёд этилаётган амфитеатр қурилиш ишларини эса «Ўздеҳқонқурилиш» трестининг 253-сон механизациялашган кўчма жамланма жамоаси олиб бораяпти. Мазкур очиқ театр 3000 ўринга мўлжалланган бўлиб, мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

СУРАТЛАРДА: участка бошлиғи Баҳодир Бобоқулов қурувчи Жўрабек Равшанов билан; амфитеатр қурилишидан лавҳа.

И. Хўжаев (ЎзА) олган суратлар.

Семинар

Сирдарёда ҳам уруғлик бугдой тайёрланади

Андижон суғориладиган ерларда дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Сирдарё филиали Боёвут туманидаги «Боёвут» ширкат хўжалигида жойлашган. Тадқиқот марказининг 49 гектар майдонида 21 та бугдой ва арпа навлари парваришланяпти. Ана шу навларнинг 3 таси уруғлик учун, қолган 18 таси эса тажриба тариқасида синаб кўрилмоқда. Мақсад Мирзачўл шароитида ҳам бугдой ва бошқа дон экинларидан юқори ҳосил олишни илмий асослаб беришдир.

Уч йиллик тажриба ва илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугдойнинг «Мақуз-3», «Боёвут», «Ғайрат», «Уманка», «Маржон» каби навларидан 65-70 центнердан ҳосил кўтариш мумкин экан. Агар тадқиқот марказининг тажрибаси бошқа хўжаликларга татбиқ этилса, вилоятда яна қўшимча 120-140 минг тонна ғалла етиштириш имкони пайдо бўлади.

Яқинда айнан шу хўжаликда эртапишар, серҳосил, касалликка чидамли ва энг муҳими Мирзачўл шароитида деҳқон косасини оқартирадиган ғалла навларини синаш, кўпайтириш, ушбу хўжаликда тўпланган тажрибани оммалаштиришга бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Унда кўзга кўринган селекционер олимлар, тажрибали деҳқонлар, агросаноат мажмуаси ходимлари, вилоятдаги барча туман ва хўжалик раҳбарлари иштирок этишди.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Умуминсоний ғоялар йўлида

Комиллик учун курашиш керак

Ҳар бир давр ўзининг ғоялари, илғор кашфиётлари билан тарихда қолади. Кучли ғоя ва қарашлар ўз навбатида тараққиётнинг ривожланишини таъминлайди. Умуминсоний тараққиёт, жамият юксалиши эса бевосита илм ва маънавият ривожи билан боғлиқ жараёндир. Юксак маънавий қадрият ифодаси бўлган комиллик азал-азалдан бутун инсониятнинг қолаверса, халқимизнинг ҳам эзгу орзуси бўлиб келган.

Таълим-тарбияда комиллик фақат инсонга нисбатан қўлланилади. Зеро, одам тирик мавжудотлар орасида олий хилқатдир. Аниқ фанлар учун Одам биологик ёки физиологик объект, яъни моддий мавжудот ва эҳтиёжлар эгаси бўлса, ижтимоий-гуманитар фанлар учун маънавий бойликларни мужассамлаштирувчи оламнинг реал инъикосидир. Шу боис одам бўй-басти, шакл-шамойилига қараб эмас, аксинча, интеллектуал имкониятлари, ижодий қобилияти, хатти-ҳаракат ҳамда феъл-атворига нисбатан баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг қадр-қиммати ундаги маънавий сифат ва мезонлар билан белгиланади.

Бугунги кунга келиб комил инсон тушунчаси алоҳида аҳамият касб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва шиддатли жараёнда кишилик жамиятини ўйлантираётган муҳим муаммолардан бири — одамнинг одамийлигини, унинг табиатидаги табиийликни асраш, қалбидаги эзгу сифатларни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, сунъийлик ва сохталикдан сақланиш масаласидир.

Хўш, инсонда комиллик тушунчасини қандай талқин қилиш мумкин? Бизнингча, бу тушунча ёхуд шахс қиёфасини муайян давр ёки муҳит билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, комиллик инсоннинг ҳаёт тажрибаси, маънавий-ахлоқий сифатларига ҳам боғлиқдир. Шу билан бирга унинг амалий фаолияти, яъни шахснинг ўз даври, миллати ва халқига қилган хизмати, фидойилиги билан белгилаш мумкин.

Яна шуни ҳам алоҳида айтиш лозимки, комилликнинг мезон ва даражаси мураккаб ҳамда кўп босқичли бўлганлиги боис, унга сифатлар миқдори янада ошиши табиий. Комиллик даражаси мутлақ эмас, балки нисбий. Бу эса инсон умри ва унинг имкониятлари даражаси билан боғлиқ ҳодисадир. Демак, комилликка эришиш шунчаки орзу эмас, балки инсонлар томонидан кашф этилган мавжуд илмларни ўзлаштириш ва уларни янада ривожлантириш жараёнидан иборат бўлган олий даражадаги маънавий маслак ҳисобланади. Шундай экан, узлуксиз таълим ва тарбия бериш орқали шаклланадиган баркамол инсонларни вояга етказиш мақсадидан бир қадам ҳам чекинмаслигимиз даркор. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» рисоласида: «Маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади», деган эди.

Етук шахс ва комил инсонларни вояга етказиш ўз навбатида таълим муассасаларида меҳнат қилаётган, шу соҳада изланишлар олиб бораётган илмий ходимлар ҳамда педагогларнинг зиммасига катта ишонч ва масъулият юклайди. Бизнингча, биринчи галда педагогиканинг муҳим тушунчаларидан бири бўлган «Шахс» талқинини янгидан кўриб чиқиш, жамият ва шахс муносабатларининг педагогикага оид муаммоларини аниқлаш, инсон камолоти билан комил инсон тушунчаларининг замонавий талқинини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу фаолият соғлом маънавий муҳитнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Бу эса ўз навбатида соғлом муҳит шароитида ҳар бир кишининг, айниқса ёш авлоднинг баркамоллигини таъминлаш жараёнини яратиб беради.

Комиллик бу машаққат ва ҳақиқат, сабру қаноат, илму маърифатга элтувчи йўлдир. Бизнинг вазифамиз ана шу йўлдан чалғимаслик, унинг қийинчиликларига чидаш, ўнқир-чўнқир жойларидан вазминлик ҳамда қатъий ишонч билан олдинга интилишдан иборат. Чунки бу йўлнинг ўзига хос тарихи, маънавий асоси бор. Комил инсон бўлиб, бу йўлда хизмат қилган аждодларимиз билан фахрланишимиз, шубҳасиз. Жамият энди сизу биздан, истиқлол ғоялари билан ҳамқадам ўсаётган баркамол авлодларимиздан ана шу йўлда собит туришимиз, муносиб бўлишимизни талаб этмоқда.

Дилмурод МУҲАММАДИЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг доценти, педагогика фанлари номзоди.

Акс-садо

Пахтакор бозордан хабардорми?

Газетанинг 2001 йил 6 апрел сонидаги «Пахтадан пахтанинг фарқи бор, етмиш икки нархи бор» номли мақолада, ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда пахтачиликда мавжуд муаммолар тўғрисида жуда ўринли таклифлар берилган.

Дарҳақиқат, пахтакорнинг ўзи реза-реза тер эвазига етиштирган ҳосилини жаҳон пахта бозорида қандай баҳо олаётганидан хабардорми, деб жуда ўринли савол берилган. Ҳа, таъкидлаганидек, кўплар бундан бехабар, албатта. Чунки улар ўзлари етиштирган маҳсулотни сотишда иштирок этишмас экан, пахтасига берилаётган баҳони қаердан билишсин ёки у етиштирган маҳсулотнинг харидори ким, бу харидорнинг талаби қандай, уни пахта ёки тола бўйича қандай кўрсаткичлар қизиқтиришини билмайди. Шу сабабли фермер меҳнатининг пировард натижаси, меваси уни деярли қизиқтирмайди, пахта навларини жойлаштиришда қандай тамойилларга амал қилинишидан ҳам кўплар бехабар. Бирор нав танланаётганда фойда салмоғи яхши бўладими-йўқми, буни албатта инобатга олиш керак. Фойданинг нечоғли салмоқли бўлиши маҳсулотнинг сотилишига боғлиқ, албатта. Модомики шундай экан, дунё бозори талабларини чуқурроқ ўрганиб, пахтамизни энг юқори баҳоларда сотишга интилмоғимиз даркор.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортидаги улушини кўпайтириш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига ташқи иқтисодий фаолият юргизишлари учун қулай шарт-шароит яратиш лозим.

Деҳқонларимизга Ўзбекистонимиз пахтасининг жаҳондаги мавқеи қандайлигини, тола сифатида яхши навларни ўстиришдан қандай манфаатдор бўлишларини, қандай қилиб, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш имконини берадиган маҳсулот миқдори ва сифатини ошириш йўлларини, иқтисодиётни яхшилаш усулларини ўргата боришимиз лозим.

Биз пахта тозаловчилар ҳам истардикки, фермерларимиз ҳам, хорижий давлатлардаги каби, пахтани тегирмон сифатида фаолият кўрсатадиган заводларда қайта ишлаб, керакли пайтда сотсалар, мавжуд тайёрлов масканларини сақлаш учун кетадиган маблағлар тежаларди, яъни туман ҳисобида тахминан 45-50 миллион сўм, бутун республика миқёсида миллиардлаб сўм тежаб қолинар эди.

Рустам ТУРОБОВ,
Ромитан туманидаги «Оқ олтин» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.

Биз ва жаҳон

Тадбиркорларимизнинг хориждаги муваффақиятлари

Яқинда Озарбойжон Республикасининг пойтахти — Боку шаҳрида «ГУУАМ давлатлари Савдо-саноат палаталарининг иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришдаги роли» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси, Олий Мажлис депутати М.А.Собиров бошчилигидаги республикамиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Шу муносабат билан мухбиримиз анжуман иштирокчилари — Палатанинг бошқарма бошлиғи Ғаффор САМАТОВ ва Олий Мажлис депутати, тадбиркор Комилжон ОТАХОНОВ билан суҳбатлашди.

МУХБИР: — Анжуман қандай мақсадларни кўзлаб ташкил этилган эди?

Ғ.САМАТОВ: — Маълумки, Ўзбекистон 1999 йилдан бошлаб ГУУАМ (Грузия, Украина, Ўзбекистон, Озарбойжон ва Молдова)нинг аъзоси ҳисобланади. Унга аъзо давлатлар эса иқтисодий, сиёсий ҳамда хавфсизлик масалалари бўйича икки томонлама ва ҳудудий ҳамкорлик масалалари бўйича ўзаро фойдали ишларни амалга оширмоқдалар. Ушбу ҳамкорлик доирасида ГУУАМ давлатлари палаталари ҳам биринчи марта миллий иқтисодиётни, ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини муҳокама этиб, тажриба алмашиш, иқтисодий алоқаларни кучайтириш масалаларини кўриб чиқдилар.

К.ОТАХОНОВ: — Симпозиумнинг иш фаолияти давомида ГУУАМга аъзо бўлган мамлакатларда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ривожланган давлатлар Савдо-саноат палаталарининг тажрибаларини ўрганиш, ГУУАМ доирасида минтақавий эркин бозорни ривожлантириш, божхона қонунчилигини унификациялаш, хусусий секторни шакллантириш, улар ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш, қонунчилик ва бошқа бир қанча масалалар юзасидан жонли муloқотлар бўлиб ўтди.

МУХБИР: — Анжуман қатнашчилари орасида кимлар бор эди?

К.ОТАХОНОВ: — Унда Миллий Палата раислари, бозор инфратузилмалари раҳбарлари, йирик тадбиркорлар, олимлар, корхоналар раҳбарлари ва журналистлар иштирок этишди.

МУХБИР: — Симпозиумда ГУУАМ таркибига кирувчи давлатлардан ташқари бошқа давлатлар вакиллари ҳам қатнашдими?

К.ОТАХОНОВ: — Анжуманга Америка Қўшма Штатлари, Болгария, Қозоғистон, Венгрия, Швейцария, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словакия, Чехия ва Туркия давлатларининг вакиллари ҳам таклиф этилди.

МУХБИР: — Ўзбекистон делегациясининг анжумандаги фаолияти тўғрисида қандай фикрлар бўлди?

Ғ.САМАТОВ: — Симпозиум ўз ишини тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ялпи мажлис ва алоҳида секциялар доирасида олиб борди. Бизнинг делегациямиз аъзолари ҳам унда фаол иштирок этиб, кўплаб маърузалар қилдилар. Симпозиум якунида эса муҳокамага қўйилган деярли барча муаммолар бўйича Ўзбекистонда сезиларли даражада ишлар олиб борилаётгани юқори баҳоланди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи махсус тайёрланган планжетлар, дискетлар, Давлат мулки қўмитасининг хорижий инвесторлар учун тайёрлаган хусусийлаштириш бўйича таклифлари мажмуи, давлатларни ўзаро боғловчи «Буюк Ипак йўли» хаританлари, ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектларининг 100 та инвестицион лойиҳавий таклифи (китоб шаклида ўзбек, рус ва инглиз тилида махсус чоп этилган), «Мароқанд» ахборот тизими, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, тадбиркорликни ҳимоя қилиш бўйича бажарилган ишлар шулар сирасига киради.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, анжуман қатнашчилари ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектларининг моддий-техник ресурслари, инвестицион лойиҳалари, технологияларга бўлган эҳтиёжини қондириш, электрон савдони амалга ошириш ва бошқа кўпгина имкониятларга эга бўлган «Мароқанд» ахборот тизими, инвестиция лойиҳалари регестри, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ахборот-маслаҳат марказлари тизимлари фақат Ўзбекистондагина барқарор ривожланганини тан олдилар.

МУХБИР: — Бозор инфратузилмалари, тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бошқа мамлакатларда қай аҳволда экан?

К.ОТАХОНОВ: — Албатта, ривожланган ва бозор ислоҳотлари амалга оширилаётган барча давлатларда бозор инфратузилмалари ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мавжуд. Аммо, эътироф этиш керакки, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини амалга оширишда, тадбиркорликни нафақат ҳуқуқий-маънавий, балки моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз олиб бораётган ишлар ўз қўлами ва мазмуни жиҳатидан алоҳида аҳамиятли туради.

МУХБИР: — Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида симпозиум иштирокчилари ўз фикрларини билдиришдими? Уларнинг бизнинг давлатимизга муносабати қандай?

Ғ.САМАТОВ: — Ўзбекистон делегацияси иштирок этган ялпи ва секция мажлисларида, ўзаро мулоқотларда республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида жуда кўп ижобий фикрлар билдирилди. Хусусан, Озарбойжон делегациясининг аъзоси, академик, иқтисод фанлари доктори, иқтисодчилар уюшмасининг раиси, «Иқтисодиёт» газетасининг бош муҳаррири жаноб Зиёд Самадзода ялпи мажлисда сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг иқтисодиётни, ижтимоий ҳаётни ривожлантириш борасида тутган йўли ўзининг ҳаётийлигини ҳар томонлама тасдиқлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Литва Савдо-саноат палатасининг вице-президенти жаноб Немунис Витаутас, Донецкдаги «Юқори вольтли электр қуввати симёғочлари заводи» бош директори жаноб Виктор Семёнов, Нью-Йорк шаҳри Халқаро бизнес бўлимининг бошлиғи Линда К.Грос хоним ва матбуот конференцияларида қатнашган озарбойжонлик журналистлар Ўзбекистон Республикасининг муваффақиятлари, шак-шубҳасиз, Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қўлга киритилаётганлиги тўғрисида илиқ фикрлар билдиришди.

МУХБИР: ГУУАМ давлатлари Савдо-саноат палаталари биринчи симпозиумининг натижалари тўғрисида нималар дея оласиз?

Ғ.САМАТОВ: — Симпозиумда тадбиркорликни ривожлантириш, палаталар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш юзасидан устувор вазифалар белгиланиб, уларни ечиш механизмини яратиш бўйича ишларга айрим миллий палаталар масъул этиб белгиланди. Масалан, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ижобий тажрибани инобатга олиб, ГУУАМ давлатлари палаталарининг WEB-сайтини яратиш, «Интернет»да палата тизимининг тижорат, ўзаро ҳамкорлик, ташкилий масалаларга оид ахборотлар базасини вужудга келтириш, инвестицион лойиҳалар бўйича ташаббусларни ташкил қилиш, улар тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондлардан ўтиши юзасидан мониторинг ўтказиш механизмини барпо этиш, инвестицион лойиҳалар регеестрини юритиш ва тарқатиш механизмини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси зиммасига юклатилди.

Симпозиум қатнашчилари, ГУУАМ давлатлари Палаталари делегацияларининг раҳбарлари, шунингдек, Озарбойжон Республикаси Президенти Г.А.Алиевнинг қабулида ҳам бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 15 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	183,73
1 Австрия шиллинги	22,42
1 Англия фунт стерлинги	498,61
10 Бельгия франки	76,46
1 Голландия гульдени	139,96
10 Греция драҳмаси	9,06
1 Дания кронаси	41,37
1 БАА дирҳами	95,79
1 АҚШ доллари	351,78
1 Миср фунти	90,64
10 Испания песети	18,54
100 Италия лираси	15,93
1 Канада доллари	227,98
1 Хитой юани	42,50
10 Люксембург франки	76,46
1 Малайзия рингити	92,58
1 Германия маркаси	157,70
1 Польша злотийси	88,35
1 СДР	443,74
1000 Туркия лираси	0,31
1 Финляндия маркаси	51,88
1 Франция франки	47,02
1 Швейцария франки	201,05
1 ЕВРО	308,44
10 Жанубий Корея вони	2,71
10 Япония иенаси	28,74
1 Россия рубли	12,15
1 Украина гривнаси	64,97

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Мангулликка дахлдор

Миллатни яхши кўрган инсонни «миллатчи» деб отиб юборган тузумни нима дейиш мумкин?

Ватаним озод бўлсин, халқим ҳурриятга чиқсин, деган шахсни йўқ қилишга чоғланган замонни нима дейиш мумкин?

Инсоний қадр-қимматимни топтама, элимни хўрлама, деган кишини сен халқ душмани деб қийноққа солсалар, буни нима дейиш мумкин?..

Миллатни севмаган одам одамми?

Миннатдор авлод таъзими

Мустабид тузум юртимизда ўзига ишонган, фикри теран шахсларни ватанпарвар бўлганлиги учун ҳам қийратиб келди, авахталарга ташлади. Сибирнинг қора совуқларида қақшатди. Бу биз билган тарих. Ўша кунларни ўз кўзи билан кўрганлар бор... Уларнинг фидойилиги авлодларга сабоқ бўларли.

Бу юрт не-не кулфатларни кўрмади?

Ҳаммаси озодлик учун, сизу биз яшаётган шу кунлар учун бўлди.

Одамнинг ўққа тик боқиши, бекорга ўлмаётганини ажал нафаси келиб турган чоғда ҳам ҳис қилиб, ўзини баланд тутиши учун, энг аввало, қалбида шўро даврига қўрқув солган ўша Миллат, Ватан, Озодлиқ туйғулари илдиз отиши лозим.

Ҳужжатларга қарасак, кўздан кечирсак, кечаги тарихдан асл моҳиятини сўрасак, бир ҳақиқат аён бўлади:

қатағон қилинганларнинг айби битта — Ватанни севгани.

Охирати обод бўлгурларнинг бошқача йўл тутишлари мумкинмиди?

Шу Ватан ўзиники бўлса, ўз халқини Ватан ёруғлиги учун эргаштирса, юртимни топтама, қарамлик сиртмоғини бўйнимдан ол деса, бани-башар эзгу қонуниятидан келиб чиқиб айтганда, буларни халқ душмани, сотқин деб бўладими?

Бу аччиқ саволлар тарихнинг юратини зирқиратади. Бугун шу тахлит ўйлар хаёлимдан ўтар экан, Озодлик миннатли нон, ҳақоратли садақадан минг-миллион чандон устун, миллат қуллиги энг даҳшатли фожиа эканлигини англаяпман. Бу кунга осонликча етмадик — ортга бир боқинг, миллионлаб ватан фидойиларининг нигоҳини кўрасиз. Булар ичида биз билганларимиз анча. Билмаганларимиз қанча? Худога шукур, миллатпарвар боболаримиз хотирасини тиклаб, уларнинг улуғ номларини ёруғликка олиб чиқиш учун изланишлар давом этмоқда.

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони инсон хотирасини азизлаш баробарида ватанпарварлик туйғулари келажак насллар қалбида мустаҳкам ўрнашиши учун алоҳида ибратомуздир.

Биз қатағон қурбонларини ёдда тутсак аввало Ватан ва миллат учун жон фидо этганларнинг авлоди эканимиз дилимизда туради.

Халқ қадр-қиммати, ор-номуси ҳар нарсадан устундир деган тушунча бор.

Айни пайтда босқинчи ва ёвуз кучларга қарши курашган Ватан ҳимоячилари, элнинг азиз фарзандларининг жасорати олдида ҳам бош эгамиз. Уларнинг қариндош-уруғлари ҳузурида қурбон бўлган мард юртдошларимизнинг руҳини шод этамиз.

Эътибор қилинг, қатағон қурбонларини ёд этиш куни бежиз 31 август куни белгиланмади. Истиқлолимиз айёми нишонланадиган 1 сентябрдан бир кун аввал, нега биз 1 сентябрни умумиллий байрам деб нишонлаётганимизни теранроқ ҳис қиламиз. 31 август куни кўнглимизда вазминлик, ҳаётнинг, озодликнинг моҳиятини англаш ҳисси чўкади. Демак, эртаси кун бўлажак мустақиллик байрами учун курашганлар арвоҳини шод этиб, улар орзу қилган кунга ёруғ ва пок ният билан чиқамиз. Шукрона айтамиз, ичимизда бир ўй кечади — бу кунга биз етдик, бу кунни биз кўрдик, деймиз. Фарзандларимизга бу куннинг моҳияти яна бир карра тушунарли бўлади.

Энди пойтахтимизнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи нафақат элдошларимиз, балки хориж сайёҳлари учун ҳам зиёратгоҳга айланади. Фарзандларимизни олиб борамиз, уларнинг беғубор руҳиятига истиқлолнинг асл маъноси, бу кунларининг қадр қиммати сингади. Ватанпарварлик, халқпарварлик тушунчалари радиокарнайдаги маҳзун куй ва монологлар орқали янграйди.

Ҳуллас, Фармон бугуннинг моҳиятига етиш, келажак учун курашиш, истиқлолни асраб-авайлаш, халқ ва миллат бўлиб қолишга ундайди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Миннатдорчилик

Депутат бош бўлди

Бугун Амударё туманидаги ТошРЭС қишлоғининг шаҳардан қолишадиган жойи йўқ. Кўчалари ораста, гулу гулзор, мана, бир неча ойдирки, хонадонларида «зангори» олов ёнмоқда. Илгари бу қишлоққа борадиган тузукроқ йўл ҳам йўқ эди. Эндиликда эса йўллар текисланди, асфальт ётқизилди. Бундан ташқари, қувурлар ўтказилиб, тоза ичимлик суви ҳам келтирилди. Бу савобли ишни амалга оширишда туман кенгаши депутати Қурбонбой Жумамуратов бош-қош бўлди. «Оқолтин» ширкат хўжалигининг собиқ раиси, пенсионер Оллоберган Ҳалимбетовнинг ҳам йўл-йўриқ ва маслаҳатлари асқотди.

Туман марказидан 25 километр узоқлиқдаги ТошРЭС билан бирга бугунги кунда қўшни Беллибароқ ва Тошқалъа қишлоқлари аҳолиси ҳам ўчоғу ўтиндан қутулишди — ҳар бир хонадонга газ кириб келди.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТАДБИРКОРБАНК» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РЕЗИДЕНТИ БЎЛГАН ВА РЕЗИДЕНТИ БЎЛМАГАН ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ КЕНГ КЎЛАМЛИ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Депозит омонатларига валюта маблағларини жойлаштириш:
   — талаб қилиб олгунча бўлган омонатларга валютада йилига 2,5 фоиз;
   — бир йилгача бўлган муддатли омонатларга валютада йилига 4 фоиз;
2. VISA пластик карточкаларига хизмат кўрсатиш.
3. Чет эл валюталарида ҳисоб олиб бориш.
4. Пул алмаштириш шохобчаларида нақд чет эл валютасини сотиб олиш.
5. Чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни бериш.
6. Ички бозорда конверсия операцияларини бажариш.
7. Экспорт-импорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш.
8. Импорт шартномалари бўйича кафиллик бериш.

Акциядорлик тижорат «Тадбиркорбанк» банк сирларини қатъий сақлаш, шунингдек, ўзининг мижозлари учун юқори сифатли хизмат кўрсатишни ва маслаҳатлар беришни кафолатлайди.

СИЗ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ТАДБИРКОРБАНК»ДАГИ «СЕВИНЧ», "СОҒЛОМ АВЛОД», "ТАДБИРКОР» ВА "БОЛАЖОН» ОМОНАТЛАРИГА 180 КУНДАН 1080 КУНГАЧА БЎЛГАН МУДДАТГА ҚЎШИМЧА ФОИЗ ОЛИШ УЧУН ЖОЙЛАШТИРИШИНГИЗ МУМКИН

«СЕВИНЧ» омонатига фоиз ставкалари

Суммаси	360 кун
> = 3000	40 фоиз

Омонат қабул қилинган вақтда ёки мижознинг хоҳишига кўра бошқа пайтда ҳисобланади ва тўланади.

«СОҒЛОМ АВЛОД» омонатига фоиз ставкалари

Суммаси	1080 кун (3 йил)
чекланмаган	60 фоиз

Омонат бўйича фоизлар ҳар йилнинг охирида ҳисобланади ва тўланади.

«ТАДБИРКОР» омонатига фоиз ставкалари

Суммаси	180 кун
> = 5000	35 фоиз

Омонат қабул қилинган пайтда ёки мижознинг хоҳишига кўра бошқа вақтда ҳисобланади ва берилади

«БОЛАЖОН» омонатига фоиз ставкаларига

Суммаси	1080 кун (3 йил)
> = 10000	24 фоиз

кўра фоизлар капиталга айлантирилади.
Бунда фоизлар ҳар йилнинг охирида ҳисобланади ва дарҳол омонат қолдиғига қўшилади.

БИЗНИНГ КЕНГ ТАРМОҚЛИ ФИЛИАЛЛАР

Нукус	Жумашўй
Тўрткўл	Косонсой
Хўжайли	Поп
Манғит	Самарқанд
Андижон	Ургут
Пахтаобод	Оқтош
Балиқчи	Каттақўрғон
Қуйганёр	Зиёвуддин
Асака	Лоиш
Охунбобоев	Булунғур
Шаҳрихон	Термиз
Олтинкўл	Қумқўрғон
Бухоро	Узун
Ромитан	Денов
Жондор	Учқизил
Когон	Қизириқ
Ғиждувон	Шеробод
Шофиркон	Музробот
Янгибозор	Жарқўрғон
Жиззах	Ангор
Зомин	Гулистон
Зарбдор	Боёвут
Арнасой	Янгиер
Мирзачўл	Сирдарё
Ғаллаорол	Тошкент
Учтепа	Паркент
Қарши	Пскент
Шаҳрисабз	Ғазалкент
Муборак	Ангрен
Деҳқонобод	Оққўрғон
Янги Нишон	Келес
Китоб	Фарғона
Чироқчи	Қўқон
Яккабоғ	Риштон
Косон	Қувасой
Қамаши	Учқўприк
Бешкент	Хоразм
Навоий	Гурлан
Қизилтепа	Хива
Кармана	Қоравул
Янгировот	Шовот
Наманган	Янгиариқ
Тошбулоқ	Хонқа
Чуст	Боғот
Тўрақўрғон	Тошкент
Янгиқўрғон	шаҳари

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри,
С. Азимов кўчаси, 52.

Маълумот учун телефонлар:
136-00-24, 136-28-29,
133-18-75.

«ТАДБИРКОРБАНК» — СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗ!

Бугунги кино

Мустақиллик даврида ёзилган ўнлаб сценарийларни ўқиб, фильмларни кўриб, таҳлил қилиб, ҳозирги ўзбек кинематографияси манзарасини хорижий мамлакатлар кино санъатлари кўринишлари билан қиёслаб, юртимизда бу соҳада ҳам катта ишлар амалга оширилаётганини ҳис этасан, киши. Гап давлат бюджетидан миллионлаб пул ажратиб бериётганидагина эмас, балки ҳақиқий ижодий, соғлом муҳит яратилганида. Фильмлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олган давлатимиз кўпгина ташкилий, ижодий, техникавий масалаларни ҳал этишга ҳам кўмаклашмоқда. Масалан, шу кунларда ўзбек-ҳинд фильми — «Севги»нинг мураккаб эпизодларидан бири Хивада суратга олиняпти. Икки халқнинг етук санъаткорлари иштирокида Тошкент, Деҳли, Хива ва бошқа шаҳарларда йирик кинополатноларни суратга олиш учун ижодкорлар билангина эмас, давлат арбоблари, продюссерлар билан ҳам музокаралар олиб боришга тўғри келди.

«Томошачи қалбини иситинг»

Бундай ғамхўрликнинг қадрига етамиз. Унга жавобан, шоир тили билан айтганда, «ҳар кимнинг юрагига чўғ соладиган» асарлар яратиш йўлларини излаймиз. Бу ўринда мамнуният билан қайд этамизки, ҳозирги кино жараёнида ғоявий чалкашликлар, бадиий оқимларнинг мураккаб «муносабатлар», янглиш концепцияларни тарғиб этиш ҳоллари учрамайди. Гап асосан гуманистик ғоянинг юксак бадиий ифодаси ҳақида кетиши мумкин. Шу боис, кун тартибига маҳоратли, янги, ёш кадрларни тайёрлаш масаласи қўйилиши табиий бир ҳолдир. Бу муаммолар долзарб мавзу, ҳақиқий қаҳрамон танлаш билан узвий боғлиқлиги ўз ўзидан маълум. Зеро, кинода биринчи шахс деб режиссёрни тан олсак, бу санъаткорнинг сезгирлиги, бадиий имкониятлари, замон руҳини ҳамиша ҳис этиб туриши адабий сценарий танлашида кўзга ташланади.

Бу хусусда фикр юритганимизда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асари заминида пайдо бўлган киносериалнинг фалсафий теранлиги, бадиий баркамоллигини қайд этамиз.

Кинопублицистлар В.Исҳоқов ва Ш.Қурбонбоевнинг изланишлари самара берганидан мамнун бўламиз. Бу асар ҳозирги мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонаётгани кино аҳлини қувонтирмоқда, юртимиз обрўсига обрў қўшмоқда. Шу билан бирга «Алпомиш» (реж. Э.Мамедов), «Ватан» (реж. Ш. Шокирова) каби киноочерклар мавзу, қаҳрамон танлаш нуқтаи назаридан шубҳа уйготмаса-да, бадиий жиҳатдан қаршоқлиги, тасвирий тили камбағаллиги билан кинони ҳам, унинг мухлисларини ҳам кечаги кунга қайтармоқчи бўлади. Баландпарвоз жумлалар, сийқаси чиққан услублар, фильмдан фильмга кўчиб юрадиган, ҳис-ҳаяжонсиз, фикран саёз кадрлар кишини ўйлантириб қўяди.

Бадиий кинода ҳам шундай зиддиятни кўрамиз: «Воиз», «Аёллар салтанати» (реж. Ю.Розиқов), «Ёлғиз ёдгорим» (реж. С.Назармуҳамедов), «Она» (реж. Т.Қалимбетов) каби мукаммал ишланган кино тасмалари билан бирга «Бахт қадри» (реж. Ю.Собитов), «Тилсимой» (реж. М.Боймуҳамедов), «Алпомиш» (реж. Ҳ. Файзиев), «Фазлий» (реж. М.Боймуҳамедов) каби адабий, тасвирий, ижро, умуман режессура талабларига жавоб бермайдиган асарлар ҳам суратга олинаётганини афсус билан қайд этамиз. Бу ўринда, аввало, режиссёрнинг малакаси ҳақида фикр юритмоқ зарур кўринади. Зеро, Наби Ғаниев ўз вақтида «Алпомиш»нинг кинематографик ечими топилмагунича унга режиссёр сифатида қўл урмаган эди. (1946 йили Москва бу асарни студияларидан чиқариб ташлаганини эслатиб ўтамиз). Буюк достоннинг ҳозирги шакли адабий жиҳатдан анча пухта ёзилганига қарамай, актёрлар гуруҳи танланишида хатога йўл қўйилгани, фильмнинг стилистикаси аниқ белгиланмагани, ниҳоят, эпосдаги кинематографик заҳиралардан фойдаланиш йўллари топилмагани туфайли талаб даражасида бўлмади. Санаб ўтилган асарларнинг бирида қаҳрамон танланиши шубҳа уйғотса («Бахт қадри»), иккинчисида («Тилсимой») фикр саёзлиги, ижро сунъийлиги кўзга ташланадики, бу ҳол муайян фильмлар мисолида бадиий дид, ҳақиқий гўзаллик ва унинг экрандаги нозик ифодаси ҳақида фикр юритишга ундайди. Яна бирида («Фазлий») режиссёрнинг маҳорати, муаллифнинг малакаси ниҳоятда паст эканлигини қайд этамиз-да, фильм яратиш жараёнини бошқариб борадиган санъаткорни танлашда хатога йўл қўйиш қандай ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

Эндиликда мавжуд ижодий кучларнинг малакасини ошириш учун жаҳон кинематографиясининг янги асарларини муттасил кўриб бориш, турли мамлакатларда ўтказилиб келинаётган анжуманларда узлуксиз иштирок этиш, ўзбек фильмларининг экрандаги умри қандай бўлаётганини илмий ўрганиш зарур кўринади. Шу билан бирга истиқболда юртимизда кино ва телевидение учун ёш кадрларни тайёрлаш масаласини ҳал этиш керак бўлиб қолди. Тошкент кино-теледорилфунуни (ёки «Нудиовизуал санъатлар ва журналистика академияси») таъсис этилгунга қадар Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетида киношунослар, Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида кинорежиссёрлар таҳсил кўриши масаласини кун тартибига қўйишни таклиф этардик...

Буюк Чўлпон театрнинг муайян асари ҳақида мулоҳаза қилиб, «Хурофотдан томошачини совутмоқ»... зарурлигини айтган эди. Ҳозирги кунда кинотомошабин қалбини иситмоқ, унга умид бермоқ, Чўлпон орзу қилган истиқлол ғоялари тантана қилаётганини кўрсатмоқ керак!

Ҳамидулла АКБАРОВ.

ШАХМАТЧИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ўтган ҳафтада ўзбекистонлик шахмат мухлислари учун қувончли воқеа содир бўлди. 2 майдан 11 майгача Германиянинг Эссене шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий Юлиан Боровский Халқаро шахмат турнирида ўзбекистонлик ёш шахматчи Рустам Қосимжонов 6,5 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади.

Шуни қайд этиш керакки, мазкур турнир мураккаблиги жиҳатидан 15 тоифага киради (энг олий тоифа - 18). Турнир иштирокчиларининг ўртача рейтинги 2618. Маълумки, Рустам қатор муваффақиятли ўйинлардан сўнг жаҳон шахмат рейтингида 12 ўринни эгаллаб турибди.

Тўққиз раунд натижаларини кузатар экансиз, ўзбекистонлик шахматчининг бирон марта ютқазганини кўрмайсиз. Ёш истеъдод эгасининг дастлабки юришлари муваффақиятли бўлди. У биринчи раундни немис рақиби Кристофер Лутц билан ўйнаб, дуранг натижага эришди. Нидерландиялик Нейбор Фризо устидан ғалаба қозонди.

Учинчи раундда Рустам Қосимжонов германиялик Рустем Даутов устидан ғалаба қозонди. Тўртинчи раундда немис шахматчиси Клаус Бишофф ҳам Рустамга ютқазиб қўйди. Бешинчи раундда Рустам исроиллик Эмил Сутовский билан, олтинчи раундда россиялик шахматчи Сергей Смагин билан ўйнаб, дуранг натижага эришди. Белоруссиялик шахматчи Михаил Гуревич устидан Рустам бир очко фарқ билан ғалаба қозонди. Саккизинчи раундда украиналик шахматчи Олег Романишин билан ўйнаб, Рустам яна дуранг натижага эришди. Сўнгги раундда ҳам таниқли шахматчи Артур Юсупов билан ўйнаган Р.Қосимжонов яна дуранг натижани қўлга киритди.

Артур Юсупов, Олег Романишин, Михаил Гуревич каби таниқли гроссмейстрлар қатнашган Юлиан Боровский III Халқаро турнирида Рустам Қосимжоновнинг муваффақиятли чиқиши унинг жаҳон шахмат таснифидаги рейтингининг ўсишига олиб келди. Умид қиламизки, яқин келажакда ўзбекистонлик шахматчи Рустам Қосимжонов энг кучли шахматчилар ўнлигида муносиб ўрин эгаллайди.

А.ТЎЙЧИБОЕВА, ЎзА мухбири.

Бир боплайқи, бир боплай

Шу десангиз хаёл суриш маза-ей... Кичик идоранинг ходимими ёки ходимчасими бўлганингиз билан бир зумда ўзингиз ишлаётган бошқарманинг бошлиғига айланасиз, қоласиз. Айримлардай порамора ҳам бериб ўтирмайсиз. Юмшоққина ўриндиққа ўтқазиб қўйишади. Ана энди атрофингизда, йигирматами, ўттизтами ходиму ходимчалар гирдикапалак. Айниқса, котибани айтмайсизми? Эндигина йигирмага кирган дўндиқча. Ассалому алайкум, Тешабой Болтаевич деб туради. Лабида асал ялагандай ним табассум. Бу вазифа ҳам маъқул тушмаса лип этиб бошқасига ўтиб оласиз. Тагингизда Мерседес, ёнингизда иккита қўриқчи.

Ён атрофингизда кимдир қоғоз титкилайди, Сиз эса гердайиб ўтирганча қўнглингизга келган ишни қилаверасиз. Масалан, бошлиқнинг хонасига бостириб бораверасиз. Сизни тўхтатмоқчи бўлган котиба ҳам оғзини очганча қолаверади. Ичкарида бошлиқнинг ёқасидан олиб, сенми ҳали мени ўтган сафарги йиғилишда пўстагимни қоққан, ҳой мишиқи, сен менга ҳадеб тиргаверма, дейсизда ўнг қўлингизда даст кўтарганча столга шундай урасизки, мана мендай қилиб. Бугун бошлиғимиз Тўра Тўраевични роса эзғиладим. Лўппи юзларига ҳам туширдим. Осмонга кўтарилган бурнига ҳам чертдим. Бошлиғим бўлса хўнг-хўнг йиғлайди денг. Урма, урма, деб туфлимни ўпди, этагимни пешонасига суртди. Сизга ёлғон, менга чин... Бир вақт қарасам, тепамда томоқ қириб бошлиғимиз Тўра Тўраевич турибди.

— Хўш, бу дейман, уйқуга кетибдилар шекилли, — дейдилар. Ёнида бўлим бошлиғимиз қалт-қалт титрайди. Катта дафтар тутган котибанинг юзида истеҳзоли табассум.

— Э, унақа эмас, ишга берилиб кетиб, Тўра Тўраевич, келганингизни ҳам сезмай қолибман. Узр, хўжайин, узр, — дейман титраб. Бунақада одам ўзини йўқотиб қўяр экан.

— Шунақа денг, қани мен билан юрингчи, — деди у. Тўра Тўраевичнинг мен билан юрингчи, деганининг асл маъносини бу ерда ишлайдиганлар яхши билишади. Унинг хонасига кирган одам, чиқишда эшикни тополмай қолади. Ўзиям нақ бир соат... Нима эмиш, ишимда унум бўлмаётган эмиш, ўзгариш қилмасам яқин орада ковушимни тўғрилаб қўяр эмиш. Хуллас, бўларим бўлди. Аранг қутулиб чиқдим.

Барибир мен ҳам қараб турармидим. Иш вақти тугаб, автобусга чиққан заҳотиёқ бошлиғим бечоранинг кал бошига ҳам, қанқайган бурнига ҳам роса чертдим. Аламимни олиб, хуморимни ёзиб, бундоқ ёнимга қарасам, ёнимда сўппайиб бир давангир турибди. Чўнтагимга қўл солдиёв, худди ўзиникига солгандай. Юрагим шиғ этиб кетди. Билиб турибман, чўнтакдаги пул ҳам қулоғини ушлаб кетди. Лекин бу безбетга бирор нарса дея олармидим? Ҳеч нарса бўлмагандай миқ этмай туравердим. Ғиринг этиб кўрчи, кўрасан кунингни. Шу пулни олиб индамай кетганига ҳам минг қатла шукур. Уйга бориб диванга ўтирган заҳотимоқ, давангирни боплашни бошлаб юбордим. Гоҳ бу юзига, гоҳ у юзига тарсаки тортаман денг. Қорнига ҳам ўн марталаб тепдимов. Келиб- келиб менинг чўнтагимга қўл солганига минг пушаймон бўлди, бечора. Хотинимнинг овози унинг жонига оро кирди:

— Уйда шакар ҳам, туз ҳам, совун ҳам йўқ.

— Хўп, оламиз хоним, оламиз, тағин нима йўқ.

— Гўшт йўқ, нон йўқ.

— Хўп, оламиз хоним, оламиз.

Бозорни гўшт олишдан бошладим. Қассоб мени тоғаваччасини кўргандай илжайиб кутиб олди-да, гўшт тортишда чандирдан қирққани камлик қилгандек, ёнига муштдай суякни ҳам қўшиб юборди. Аламимни ичимга ютдим. Шакар олаётганимда тижоратчининг тарозидан уриб қолганини аниқ кўрдим. Нақ уч юз грамм урдиёв, ярамас. Бир нарса дейиш учун оғиз жуфтладиму, ёнида турган тўртта барзангини кўриб дамим ичимга тушиб кетди. Индамадим.

— Сенларни ҳали бир боплайманки,— дедим ичимда. Уйга қайтдиму қассобни ҳам, қаллоб сотувчини ҳам деворга турғазиб қўйиб жазо бердим денг. Гоҳ чап томондан, гоҳ ўнг томондан мушт тушираман. Улар ҳам бозорда зўр бўлишгани билан менинг олдимда пусиб қолишаркан. Худди арслонни кўрган мушукдай. Қалт-қалт титрашади-я. Бунинг устига ҳўнг-ҳўнг йиғлашади ҳам. Зўрдан зўр чиққани шу-да. Уларнинг адабини бераётгандим қалтирабгина қайнонам келиб қолди.

— Ҳой, куёв бола. Бундай мизғиб ўтирмай мана бу кийимларни ювиб ташласангизчи,— дейди-я.

Вой, алвасти-ей. Бир боплай дейману тағин ичкуёвманда. Қўлимни кўксимга қўйганча тиржаяманда, кир ювишга уннаб кетаман.

— Ҳали кўраман, — дейман ичимда. Сени ҳам бир боплайки.

— Ҳой кўзингизга қаранг, — дейди хотиним. — Тағин ўтган сафаргидай зинада ўмбалоқ ошиб кетманг.

— Шошмай тур, онангга қўшиб сениям бир боплайки...

Бу гапларни албатта, ичимда айтаман, ичимда...

Абдулла БОБОЁРОВ. Қашқадарё.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тасвирий санъат асарлари ТАНЛОВИ

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиш йўлида босиб ўтган тарихий давр, истиқлолнинг дастлабки 10 йиллигида рўй берган оламшумул ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган бунёдкор халқимиз, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилаётган мард ўғлонларимиз, Ватанимиз шон-шуҳратини жаҳонга таратаётган санъаткор ва спортчиларимиз жасоратини юксак маҳорат билан акс эттирган энг яхши тасвирий санъат асарларини яратиш бўйича республика танлови эълон қилинади.

Танлов шартлари

1. Тасвирий санъат асарлари мавзуси теран акс эттирилиши, юксак профессионал маҳорат билан мато, мой-бўёқда, кўрсатилган ҳажмда, белгиланган муддатда яратилиши зарур.

2. Танловда иштирок этувчи рассомлар ўз эскизларини 25 майгача танлов ҳайъатига тақдим этишлари шарт.

3. Ҳайъат аъзолари тақдим этилган эскизлардан мавзу моҳиятини чуқур ёритиб бера оладиган намуналарни тасдиқлагач, муаллифлар ўз асарларини танлов ҳайъатига 5 июлгача тақдим этадилар.

4. Ҳайъат томонидан танлов шартлари бўйича ғолиб деб топилган асарлар, уларнинг муаллифи (ёки муаллифлар гуруҳи) республика оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади, пул мукофотлари 10 кун муддатда ғолибларга топширилади (уларнинг шахсий ҳисоб рақамларига ўтказилади).

Мазкур асарлар асосида Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган юбилей открткалари чоп этилади.

5. Танланган мавзулар бўйича эскизлар яратиш учун муаллиф (ёки муаллифлар гуруҳи) жойларга бориб, керакли материалларни тўплаши учун тегишли вазирлик, идора, муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари зарур шарт-шароитларни яратиб берадилар.

6. Мавзулар бўйича яратилган асарларни тегишли вазирлик, идора, музей, галереялар сотиб олиш учун шартнома тузадилар.

Танлов мукофотлари

Битта биринчи ўрин — 1.000.000 сўм

Иккита иккинчи ўрин — 750.000 сўмдан

Учта учинчи ўрин — 500.000 сўмдан

Танловда мавзуни чуқур ўрганган профессионал рассомлар иштирок этишлари шарт.

Эскизлар Марказий кўргазмалар залида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Ишбилармон ва тадбиркорлар диққатига!

Мазкур танловда иштирок этаётган асарларга ҳомий ёки буюртмачи бўлсангиз, ташкилотингизнинг логоси ёки товар белгиларини шу асар чоп этилган юбилей открткасида акс эттириш ҳуқуқига эга бўласиз.

Манзил: Тошкент ш., Ш.Рашидов кўчаси, 40 Ўзбекистон Бадиий Академияси. Тел: 56-53-46, 56-51-46

Соғломлаштиришнинг тез тиббий йўли

Бекободдаги шошилинч тез тиббий ёрдам маркази қурилишига 33 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Энг муҳими, шифохона янги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланди. Бу эса касалликларга тўғри ташхис қўйишда муҳим омил бўлмоқда. 25 ўринли бу шифо масканида жарроҳлик, терапевт, педиатрия ва жонлантириш бўлимлари мавжуд.

СУРАТДА: болалар бўлими врач-педиатри Зарифжон Қурбонов ва ҳамшира Умида Маъмирова.

Д. АҲМАД олган сурат.

МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА
СОЛИҚЛАР ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ
«СБХ» ФАҚАТ ЎҚИШ УЧУН ЭМАС, БАЛКИ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ УЧУНДИР!
Фақат «СБХ»да
тадбиркорлик ва бухгалтерлар учун тўлиқ фойдали ахборот,
меъёрий ҳужжатлар,
уларга шарҳлар,
ўқувчиларнинг саволларига жавоблар,
амалий маслаҳатлар:
бухгалтерия ҳисоби бўйича,
солиққа тортиш, божхонага доир,
ҳуқуқий масалалар бўйича,
акционерлаштириш,
банк иши бўйича
Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадваллари (*махсус сонлар фақатгина газетамизнинг обуначиларига етказиб берилади*)
ОБУНА - 10 ИЮНГАЧА!
ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ:
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН.....186
ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН.....185

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси мазкур қўмита аъзоси М. Очиловга акаси
Миробид ОЧИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси болалар шоири ва ёзувчиси
Сафар БАРНОЕВнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси жамоаси «Тошкент-Тибтехника» корхонаси директори
Миробит Фозилович ОЧИЛОВнинг
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси «Гулхан» журналининг Бош муҳаррири, ёзувчи
Сафар БАРНОЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси бошлиғи Тоҳир Еримбетовга онаси
Райҳон ая МАТНАЗАРОВанинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент банк коллежи жамоаси коллеж директори Зайниддин Худойбердиевга падари бузруквори
Ёвқоч ХУДОЙБЕРДИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Оромгоҳлар, соғломлаштириш лагерлари, шифохоналар, ётоқхоналар раҳбарлари диққатига!
Кенг ассортиментда, ишлаб чиқарувчи омборхонасидан
ЧОЙШАБЛАР
бир ётоқли
чойшаб 203 х 120 ва 203 х 130;
кўрпа жилди 215 х 143;
ёстиқ жилди 50 х 50 ва 60 х 60.
икки ётоқли
чойшаб 214 х 130;
кўрпа жилди 215 х 153;
ёстиқ жилди 60 х 60.
шунингдек:
сочиқлар 85 х 50,
буюртмангизга кўра махсус иш кийимлари
таклиф этилади.
Тўловлар — пул ўтказиш йўли билан.
Тел.: 191-47-41, 191-80-94, факс 191-74-63.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2415, 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.55
1 2 3 4 5 6